# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 16-fevral № 21 (3058) payshanba


## Маънавият сабоғи

**Касаба уюшма ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳар ойда ташкил этилаётган «Маънавият соатлари» мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халққа тушунтиришда қўл келаётир.**

Шимолий Ғарбий Ҳарбий округда ўтказилган навбатдаги «Маънавият соати» мазмунли кечди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси маънавият тарғибот маркази раҳбари Шароф Уснатдинов Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари аҳамияти хусусида кенг тўхталди. Жумладан, истиқлолга эришиш осон бўлмагани, бунда давлатимиз раҳбарининг маънавий жасорати, доно сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини қайд этиб ўтди.

Учрашув сўнгида «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг талвасаси» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

**М.КАБУЛОВА,**
**Шимолий Ғарбий Ҳарбий округ касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



## Йигитлар ҳарбий хизматга жўнаб кетди

**Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктидан навбатдаги чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, Қуролли Кучларимиз сафига ҳар томонлама соғлом, билими, дунёқараши кенг йигитлар танлаб олинаётгани ва уларнинг хизматни сифатли ўташи учун барча шароитлар яратилгани армиямизнинг жанговар салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Бундай изчил ислоҳотлар самарасида бугун миллий армиямизда хизмат қилиш ёшларимиз учун чинакам шарафли ишга айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар шулар хусусида фахр билан сўз юритдилар. Белгиланган тартибдаги жисмоний тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳияти ва билим даражасини аниқловчи тест синовларидан муваффақиятли ўтган, ҳар томонлама соғлом йигитларга миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш шарафи насиб этди.

***Суратда:** ҳарбий хизматга чақирилувчи Шуҳрат Ризаев укаси — Қарши шаҳридаги 45-умумтаълим мактабнинг ҳарбий спорт синфи ўқувчиси Бобур Ризаев билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

### Фаолиятимизнинг устувор йўналишлари


**Равшан САМАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари**


***Вақт — югурик. Унга монанд-мос юриш сергак ва интилувчан кишиларгагина насиб этади. Бу, бошқа соҳаларда бўлгани каби меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоячиси ҳисобланган энг оммавий жамоат ташкилоти — касаба уюшмаларида ҳам ғоят қадрланади. Кейинги пайтда ана шу масалага эътибор тобора кучайиб бораётгани ҳам шундан.***

## Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Касаба уюшмалари тизими, барча бўғин касаба уюшмалари органлари, жумладан, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни изчил давом эттириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳа фаоллари олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради *(Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2012 йилдаги устувор йўналишларидан)*.

Бунга, албатта, туман, шаҳарлардаги касаба уюшма ташкилотларини ривожлантиришни мутассил давом эттириш орқали эришилади. Айниқса, Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари тизимида ўз ечимини кутиб турган ишлар анчагина эканини қайд этиш даркор.

Бугунги кунда юқоридаги касаба уюшмалар тизимида 667 та туман, шаҳар касаба уюшма органлари мавжуд бўлиб, жумладан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида 168 та, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимида 169 та, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида 136 та туман, шаҳар кенгашлари, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимида эса 195 та туман, шаҳар бирлашган қўмиталари фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг 384 таси ҳақ тўланадиган аппаратга эга. Яъни туман, шаҳар органларида касаба уюшма бюджети мабалағлари ҳисобидан иш ҳақи олиб ишлайдиган раислар, ходимлар иш юритишади, 283 тасида эса жамоатчилик асосида иш олиб борилади. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, бошланғичлар фаолияти ҳамда уларда кадрлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш учун нафақат тизимни, балки туман, шаҳар касаба уюшмалари ишини ҳам такомиллаштириш, муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндашиш талаб этилади.

*(Давоми 2-бетда)*

### Халқаро конференция доирасида



***Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов томонидан давлатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида нафақат иқтисодий соҳада, балки ижтимоий ҳаётимизда ҳам кенг ва самарали ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Ислоҳотлар натижасида умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш изчил давом эттирилмоқда.***


**Баҳодир БЕГАЛОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг илмий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор**


## Юксак салоҳият намунаси

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 16-17 феврал кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтаётган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция бу йўналишдаги ишларни янада юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор ҳавас қилса арзигулик. Илм-фан сирларини чуқур эгаллаган ҳолда етук мутахассис сифатида мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётган ёшлар фикримизнинг яққол исботидир. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ соҳа тараққиётига жиддий аҳамият қаратилди. Ўзбекистон Конституцияси ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда барча фуқароларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Кейинчалик Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жорий этилиши етук кадрларнинг янги авлодини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилди. Бугун миллий ва жаҳон тажрибалари асосида ишлаб чиқилган ушбу дастур ўзини тўла оқламоқда.

Президентимиз раҳнамолигида изчил олиб борилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган университетимизда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда университет профессор-ўқитувчиларидан 62 нафари фан доктори ва 214 нафари фан номзоди эканининг ўзиёқ муассасамиз салоҳиятидан далолат беради.

Ўтган ўқув йилида профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 4 та докторлик ва 27 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Қувонарли жиҳати, «Олий математика» кафедраси профессори Н.Шербоев Россия Федерацияси Табиий фанлар академияси академиги этиб сайланди.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 31 та монография, чет эл илмий журналларида 70 та, республикамиз миқёсидаги илмий журналларда 315 та ва халқаро илмий-амалий анжуманлар тўпламида 129 та мақола чоп этилди. Маълумки, илмий тадқиқотлар илм-фаннинг бевосита амалдаги натижаси, меваси ҳисобланади. Университетимизда биргина ўтган йилда илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ, 5 та фундаментал (340847 минг сўмлик) илмий-техникавий дастурлар бўйича, шунингдек, 3 та амалий (286471 минг сўмлик) илмий-техникавий дастур бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

*(Давоми 3-бетда)*

### Диққат, танлов!

## Журналистика йўналишидаги «Инсонга наф келтириш — олий бахт!» Республика танлови

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ёритиш, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик фаолияти, соҳа ва тармоқлардаги модернизация, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, қадр-қимматини, Давлат дастурларининг ижобий самараларини юртдошларимиз, айниқса, ёшларга етказиб беришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши «Инсонга наф келтириш — олий бахт!» Республика танловини эълон қилади.***

Танловда қатнашиш учун 2011 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 июнига қадар республика газета ва журналлари саҳифаларида, интернет нашрлари, телерадио каналларда эълон қилинган ижодий ишлар қабул қилинади.

Танловга тақдим қилинган материаллар мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлигини чуқур таҳлил орқали очиб бериши лозим.

Танловга тақдим қилинган материалларда қуйидаги масалаларнинг ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:

- давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари уйғунлашуви;
- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;
- жамоатчилик назорати;
- касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
- маданий-маърфий, спорт ва соғломлаштириш ишлари;
- ҳомийлик ҳамда хайрия ишлар ва бошқалар.

***Ғолиблар қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланади:***

- вақтли матбуотдаги энг яхши журналистик материал учун (газета ва журналлар — 1, 2, 3 ўрин);
- электрон ОАВдаги энг яхши журналистик материал учун (телевидение, радио, интернет журналистикаси — 1, 2, 3 ўрин);

Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар ажратилган.

Танлов ғолиблари ва мукофот соҳиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва қимматли совғалари билан тақдирланадилар.

Танловга 2012 йилнинг 5 июнига қадар бештадан кам бўлмаган материаллар тақдим этилиши керак.

Видеоматериаллар ҳажми 3 дақиқадан 30 дақиқагача, радиоматериаллар (аудиокассета ёки система диски) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Нашр этилган материаллар ва интернет-материаллар асл ёки нусха шакл тарзида тақдим этилади.

***Материаллар қуйидаги ҳужжатлар билан топширилиши лозим:***

- муаллифнинг ўзи, иш жойи, журналистик фаолияти ҳақида қисқача маълумот;
- паспорт нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва алоқа телефон рақамлари;

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида бўлиб ўтади.



**«Инсонга наф келтириш — олий бахт!» танловига материалларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:**
**Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй.**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 4-7-хоналар. Телефонлар: 256-52-79, 252-21-18. E-mail: pressa@sfp.uz**

### Бугуннинг гапи


**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси**


## Касаба уюшмалари ва ижтимоий шериклик

*Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюшмалари республикамизда энг катта фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида ушбу соҳада ижтимоий шериклик принциплари асосида иш олиб бориб, катта ютуқларга эришмоқда. 6 миллион 600 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Конституциямиз, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Федерация Устави ва Адлия вазирлигида тасдиқланган тармоқ Устави асосида самарали фаолият юритмоқда.*

**2-3-бетлар**

### Давра суҳбати


**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


## Юзма-юз мулоқот

*Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Анжуманни вилоят КУТБК раиси Н.Пардаев очиб, касаба уюшмалари фолиятида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун имзоланган Бош келишув бу йўналишдаги ишларни юксалтиришга хизмат қилмоқда.*

**2-бет**

# Бошланғич ташкилот — асосий таянч

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Олайлик, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда туман, шаҳар кенгашларида ҳақ тўланадиган аппаратларни жорий этиш тўғрисида ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, ўз фаолиятидан моддий манфаатдор кишининг ишга нисбатан масъулияти, ўзига нисбатан талабчанлиги ортади. Бу эса, бевосита, соҳа ривожида ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида янги касаба уюшма ташкилотларини тузиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Чунончи, туман ва шаҳарларда янгидан ташкил этилаётган хусусий, кичик корхоналар асосан мазкур тармоққа мансуб бўлиб, бундан самарали фойдаланиш касаба уюшма аъзолари сонини ошириш ҳамда аъзолик бадаллари тушумини кўпайтиришга хизмат қилиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Натижада, нафақат бир қатор муаммолар ечимини топади, балки фаолиятни янги босқичга олиб чиқиш учун шароит яратилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг маълумотига кўра, айни пайтда фермер хўжаликларида ташкил этилган цех касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирган 1195 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда аъзолар сони 895 мингдан ортади. Лекин ушбу бошланғич ташкилотларнинг тизими, улардаги цех ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш аниқ ташкил этилмаган. Шу боис цех ташкилотларини бошланғич ташкилотларга бирлаштиришнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Шунингдек, йирик фермер хўжаликларида алоҳида бошланғич ташкилотларни тузиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрадиган вақт келди, назаримизда. Ҳозирги кунда йирик фермер хўжаликларимиз ишчи-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қодир. Агар хўжаликдаги бошланғич ташкилот ўз фаолиятини яхши йўлга қўйса, нафақат аъзолар манфаати самарали ҳимояланади, балки бу хўжалик ривожига муносиб ҳисса қўшувчи омилга айланади.

Илгари Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг туман, шаҳар бирлашган қўмиталари фақат битта — таълим тизимидаги муассасаларнинг касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирар эди. Касаба уюшмаларини оптималлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда янги «Касаба уюшмалари картаси» жорий этилиши натижасида уларнинг касаба уюшма хизматига маданият муассасаларининг, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг бошланғич ташкилотлари ҳам ўтказилишини инобатга олган ҳолда мазкур бирлашган қўмиталарни туман кенгашларига айлантириш масаласини ҳал этиш лозим. Бу, шубҳасиз, улар фаолиятининг янги уфқларини очиб беради.

*Бошланғич ташкилотларга эътиборни янада кучайтирмасдан, уларнинг ишини тўғри йўлга қўймасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис бошланғичларга амалий ёрдам кўрсатишнинг аниқ тизимини шакллантириш ва жорий этиш, бу борада ўрта ва юқори бўғин касаба уюшма органлари масъулиятини ошириш зарур. Ўрта ва юқори бўғиндаги касаба уюшмалари органлари ўз фаолиятини бошланғич ташкилотларнинг асосланган таклифларидан келиб чиққан ҳолда олиб борсалар, фойдадан холи бўлмасди.*

Туман, шаҳар кенгашларини том маънода бошланғич ташкилотлар учун услубий марказга айлантириш, бошланғич ташкилотларнинг фаолияти доимий равишда улар томонидан йўналтириб борилиши, амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш изчил таъминланиши даркор. Юқори ташкилотлар қарорларини қуйи ташкилотларга етказиш ва самарали ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, албатта, бошланғичлар ўз имконияти ва шароитига мутаносиб ҳолда ишни ташкил этса, касаба уюшма аъзоларига келтириладиган наф янада кўпроқ бўлиши, шубҳасиз.

Айниқса, ўтган йилда бошланғич ташкилотлар фаолиятини инвентаризациядан ўтказиш жараёнида ҳамда бошланғич ташкилотлар раислари ўртасида ўтказилган сўровда аниқланган муаммоларни ҳал этишда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш алоҳида эътиборни тақозо этиши очиқ кўзга ташланди.

Жумладан, ҳар бир туманда намунали бошланғич ташкилотларни тайёрлаш, улар базасида бошқа бошланғич ташкилотлар раислари учун ўқувлар ташкил этиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш лозим. Бу ўринда 2011 йилда Федерация тизимида илк маротаба ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ғолиби бўлган бошланғич ташкилотларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва фаолиятда қўллаш фойдадан холи эмас. Ҳаёт тажрибасидан ўтган бир ҳақиқат бор, яъни ўзаро тажриба алмашиш, бир-бирининг ютуқларини ўзлаштириб, камчиликларини бартараф этиш олға қадам ташлашнинг энг мақбул усулидир.

Ҳозирги вақтда деярли барча ҳудудий бирлашмалар томонидан туманларга чиқиб бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш жадваллари ишлаб чиқилган ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунга ўхшаш ишлар айрим тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари томонидан ҳам олиб бориляпти. Ушбу йўналишдаги ишлар етарли самара бериши учун касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

*Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқувини ташкил этиш соҳасида амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари ўқуви тизимини такомиллаштириш давр талаби. Касаба уюшмалари тизимида кадрлар турғунлигига барҳам бериш, зарур ҳолларда кадрларни ротация қилиш усулларидан фойдаланиш даркор. Тизимга ёш, изланувчан кадрларни жалб этиш фаолиятда ишчанликни таъминлаш ва ташаббускорликни олиб киришга кўмак беради.*

Бугунги кунда Федерация кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташкилотларининг раҳбар ва масъул ходимлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Низом», шунингдек, «Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилмасида касаба уюшмалари кадрлари ва фаоллари ўқувини ташкил қилиш тизими» амалда бўлиб, улар қабул қилинган вақтдан буён ўтган даврда касаба уюшмалари органларини тизимли равишда такомиллаштириш юзасидан кўп ишлар бажарилди. Жумладан, юқорида қайд этилганидек, касаба уюшмаларини оптималлаштириш ишлари амалга оширилди, вакиллик институти бекор қилиниб, ўрнига масалаларни коллегиаллик асосида ҳал қилишни кўзда тутадиган кенгашлар жорий этилди. Шуларни инобатга олган ҳолда ҳозиргача мавжуд Низом ва ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган.

Маълумки, Федерация кенгашининг Ўқув марказида ҳар йили 1200 га яқин касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари ўқитилади. Лекин Ўқув марказида малакасини ошириб қайтган ходимлардан жойларда фойдаланиш талаб даражасида йўлга қўйилмаган ва бу соҳадаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Илк маротаба Ўқув марказида ўқитувчи-тренерларни тайёрлаш, улардан келгусида ҳудудларда ўтказиладиган ўқув-семинарларни ташкил этишда фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу эса, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

## «Sta plast» экспортни бошлади

***Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Sta plast” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган техник ва технологик янгиланишлар самарасида маҳсулот тури ҳамда сифати сезиларли даражада ошди.***





Элликка яқин киши меҳнат қилаётган корхонада 150 турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Хомашё етказиб берувчи ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани иқтисодий самарадорликка эришишда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилдан «Sta plast» белгиси остидаги маҳсулотлар экспортга ҳам чиқарилмоқда.

**Суратларда: Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Sta plast» масъулияти чекланган жамияти ишчилари Асилбек Сотволдиев ва Шаҳноза Мусажонова.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган суратлар.**

# Юзма-юз мулоқот

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жамоа шартномалари ва келишувларга давр талабига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётгани туфайли ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, кўп болали оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби йўналишларда тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи З.Иргашевнинг таъкидлашича, 2011 йил якуни бўйича вилоятда барча прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди; 49 мингта янги иш ўрни яратилади. Тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилаларга 150 миллиард сўмлик кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Давра суҳбати қизғин савол-жавобларга бой кечиб, иштирокчилар томонидан кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

Жумладан, ички бозорларимизнинг бугунги эҳтиёжи, кредит ҳужжатлари тайёрлашда мол-мулкни баҳолаш тартиби, иш ҳақи тўловлари, бюджет ташкилотларида зарарли иш жойларида ишловчиларга ажратмалар белгиланиши каби масалалар бўйича тушган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

* * *

**Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатини бирлашма кенгаши раиси К.Оқбўтаев бошқарди.**

Унда вилоят ҳокимлиги котибият мудири Л.Аҳмедов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т.Абдураззоқов, Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи У.Ибрагимов, вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи А.Холбековнинг соҳага дахлдор чиқишлари тингланди.

***Шомурод Бектурдиев, ГулДУ касаба уюшма қўмитаси раиси:***

— Контракт билан ўқийдиган талабаларимизга банк томонидан стипендия тўланиши кечикаяпти.

***Жавоб:*** Университет ҳисоб рақамида пул бўлса, албатта, тўлаб берилади.

***Соибжон Қаюмов, Оқолтин тумани АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси:***

— Туманимизда бир талаба қиз шартнома асосида ўқиш учун банкдан кредит ололмаяпти...

***Жавоб:*** Жойларда «Гаров кафолати» муаммо бўлмоқда. Уни тўғри тушунтира билишимиз муҳим. Кредит олишга ўз муддатида мурожаат қилиш ҳам керак.

***Савол:*** Фермер хўжаликларига меҳнат дафтарчаси олишда пул ўтказишни талаб қилишаяпти.

***Жавоб:*** Нақд пул билан ҳам олса бўлади.

***Савол:*** Имтиёзли микрокредит кафилликка асосан кимларга берилади?

***Жавоб:*** Фақат ишлаётган (пенсионер эмас) ота-она кафиллиги билан коллеж битирувчисига 1,5 миллион сўмгача кредит берилади.

***Савол:*** Олинаётган кредитни пластикда эмас, нақд пулда олиш мумкин эмасми?

***Жавоб:*** Ҳозирда парранда, чорва, кўчатчилик, ем-хашак учун олинаётган кредитларнинг 50 фоизини нақд пулда олиш мумкин.

***Савол:*** Коллеж битирувчилари бўйича «Устоз-шогирдлик» ҳақида батафсилроқ маълумот керак.

***К.Оқбўтаев, вилоят КУТБК раиси:***

— Бу масала вилоят ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида. Масалан, вилоятимизда ариқ-зовурлар қазиётган юз нафар экскаваторчининг ҳар бирига 2 нафардан коллеж битирувчиси бириктирилган. Коллежларни 80 йўналишда тамомлаётган ўқувчилар ҳам ана шу тартибда мутахассисларга бириктирилган.

*Жиззах, Сирдарё вилоятларида ўтказилган давра суҳбатларида ЎзКУФК бўлим мудири Ў.Адилов иштирок этиб, сўзга чиқди.*

*Ҳар икки вилоятда ўтган юзма-юз мулоқот кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ана шундай тадбирни ҳар олти ойда ўтказишга келишиб олинди.*

*Бир сўз билан айтганда, меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар ечимига ўзаро мулоқот ва музокаралар орқали йўл топиш ҳар бир касаба уюшма фаолининг келгуси фаолиятида шубҳасиз асқотади.*

## Касаба уюшма ҳаёти

***Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қарорига асосан салкам бир ой мобайнида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида сайёр ўқув-семинарлар ташкил этилди.***

# Амалий ва услубий ёрдам

Тадбирларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари самарадорлигини янада ошириш, касаба уюшма аъзолари билан ишлаш усулларини тубдан ўзгартириш, уларга барча йўналишлар бўйича амалий ва услубий ёрдам бериш ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тегишли қарорларини изчиллик билан бажаришга жиддий эътибор қаратилди.

— Сайёр ўқув-семинарларида касаба уюшма аъзолари манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг асосий вазифалари нималардан иборатлигига асосий урғу берилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Ҳамид Бешимов. — Ушбу жараёнда бирлашмамиз бўлим мудирлари ва етакчи мутахассислари туман ҳамда шаҳарлардаги ҳар бир бошланғич ташкилот фаолиятини чуқур ўрганиб чиқишди. Жойларда ютуқларни оммалаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Тадбирлар асносида намунали касаба уюшма қўмиталари тажрибаси бўйича фикр алмашинувининг ташкил этилиши, савол-жавоб, таклиф ва мулоҳазалар семинар аҳамиятини янада оширди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

# Бебаҳо неъмат

***Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан юртимиздаги тинчлик, осойишталикни асраб-авайлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга бағишланган тадбир ўтказилди.***

Тадбирда сўзга чиққан кенгаш раиси Эсон Ражабов, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Жумақул Қурбонов, касаба уюшма фаолларидан Муҳаббат Саидмуродова, Раиса Ҳусанова ва бошқалар мамлакатимизда эришилган ютуқлар Президентимизнинг тинчлик, осойишталикни асраш борасидаги оқилона сиёсати натижаси эканлигини таъкидладилар.

Бебаҳо неъмат — тинчликни барқарор сақлаш учун ҳар бир маҳаллада, корхона, ташкилотда огоҳлик, ҳушёрлик зарур эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, албатта, энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмаларининг фаоллигини янада ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари, сиёсий партиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишни тақозо этади.

Мазкур мавзуга бағишланган «Огоҳ бўлинг» ҳужжатли филми иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Отабек ҒАНИЕВ**

# Касаба уюшмалари ва

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш борасида энг устувор вазифаларни белгилаб бера туриб, жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, уларнинг ролини кучайтириш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш учун «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлади. Эътироф этиш лозимки, бугун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг турли шакллари ривожланиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилди.

Касаба уюшмалари бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий шериклик принципларига тўла риоя қилган ҳолда ҳимоя қилаётгани ҳар жиҳатдан ўзини оқлаб, меҳнаткашлар орасида касаба уюшма органларига ишонч шаклланиб боряпти. Меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда уюшманинг ўрни сезиларли даражада ортмоқда. Уюшма ходимлари, бошланғич ташкилотлар раислари жамоа шартномасини тайёрлаш ва имзолаш чоғида ходимлар учун зарур шартларни киритишда фаоллик кўрсатмоқда. Бу эса шартноманинг якуний варианти қабул қилинишида жамоанинг таъсири ортишига сабаб бўляпти. Бошланғич ташкилот раисларининг саъй-ҳаркатлари билан иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини белгилаб берадиган ижтимоий шериклик ҳаётда ўз ифодасини топаётир.

Ижтимоий шериклик — ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг тенг ҳамкорлигига асосланган ўзаро келишуви ва механизмлари тизимидир. Бошқача айтганда, бозор иқтисодиётига хос бўлган меҳнат муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. У турли ижтимоий гуруҳлар, биринчи навбатда, иш берувчилар ва ходимларнинг манфаатлари нисбатини таъминлашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Яъни, алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ўзаро боғлиқлиги эътироф этилади ҳамда уларга қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқлари берилишини таъминлайди.

Ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари қуйидагиларни қамраб олади: давлатнинг ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиши, музокара иштирокчиларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, томонларнинг шартнома муносабатларида иштирок этишларидан манфаатдорлиги, ижтимоий шериклар ва улар вакилларининг амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилишлари, томонларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро муносабатлардаги ишонч, бир-бирларининг ишларига аралашмаслик, ижтимоий шерикликка таааллуқли масалаларни танлаш ва муҳокама қилиш эркинлиги, шериклар томонидан ўзаро келишув асосида мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги, шерикликка таааллуқли масалалар юзасидан мунтазам равишда маслаҳат учрашувлари ва музокаралар ўтказиш, қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини амалда таъминлаш, келишилган аҳдлашувлар ижросининг мажбурийлиги, ижтимоий шериклик доирасида қабул қилинган битимлар, шартномалар ва қарорлар ижроси устидан доимий назоратни таъминлаш, томонлар, улар вакиллари, мансабдор шахсларнинг масъуллиги.

Ижтимоий шериклик субъектлари сифатида ходимлар, иш берувчилар ва давлат тушунилади. Музокаралар жараёнида ходимлар манфаатларини касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга, иш берувчилар ҳам уюшма, ассоциация ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақли. Уларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради. Улар касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва мулкдорларнинг манфаатларини ифода этиб, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Бу жараёнда давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири — ижтимоий шерикликнинг ташкилий шакллари, томонларнинг ўзаро муносабатлари қоидалари ва воситаларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий меҳнат стандартлари (энг кам иш ҳақи миқдори, ижтимоий имтиёзлар, компенсациялар, кафолатлар ва ҳоказолар)нинг асосланган миқдорларини белгилашдан иборатдир. Томонлар манфаатларини ўзаро келиштириш жараёнида давлат бевосита иштирокчи бўлиб, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига кафиллик қилади.

Ижтимоий шериклик жамоат шартномалари ва келишувлари, меҳнат шартномалари тизими қуйидагича: 1.Бош келишув — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари); 2.Тармоқ келишувлари — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тегишли касаба уюшмалари (ёки ходимларнинг бош-

**Касаба уюшма етакчилари учун**

***Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 135-Конвенция Женевада 1971 йил 23 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 56-сессиясида қабул қилинган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги Қарорига мувофиқ ратификация қилиниб, 1997 йил 15 декабрдан кучга кирган. Ушбу Конвенция қандай мақсадга қаратилган?***

# Меҳнаткашлар вакиллари ҳимояда

Мазкур ҳужжатнинг 1-моддасида таъкидланганидек, корхонадаги меҳнаткашларнинг вакиллари уларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан, жумладан, уларнинг меҳнаткашлар вакили сифатидаги мақоми ёки фаолияти, шунингдек, касаба уюшмасига аъзо бўлганлиги ёки унинг фаолиятида иштирок этганлиги сабабли ишдан бўшатилишдан, улар амалдаги қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари ва бошқа биргаликда келишилган шартномаларга мувофиқ равишда фаолият олиб борган бўлсалар, шунга мувофиқ самарали ҳимоядан фойдаланадилар.

Корхонада меҳнаткашлар вакилларига ўз функцияларини тез ва самарали бажаришига имкон берадиган зарур шарт-шароит яратилади.

Бунда тегишли мамлакатдаги меҳнат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, корхона эҳтиёжлари, фаолияти кўлами ва имкониятлари ҳисобга олинади.

Меҳнаткашлар вакилларига бундай имкониятлар берилиши корхона фаолиятининг самарадорлигини пасайтирмаслиги керак.

«Меҳнаткашлар вакиллари» атамаси миллий қонун ҳужжатлари ёки амалиётга мувофиқ шундай деб эътироф этилган шахсларни англатади. Хусусан:

а) касаба уюшмалари вакиллари, яъни касаба уюшмалари ёки ушбу касаба уюшмалари аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган вакиллар;

б) мамлакат касаба уюшмаларининг мутлақ ваколатларига кирмайдиган, сайланган вакиллар, яъни миллий қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари қоидаларига мувофиқ корхона меҳнаткашлари томонидан эркин сайланадиган вакиллар фаолият турини ўз ичига олади.

Миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, суд ёки ҳакамлик суди қарорлари, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳимоя қилиниш ҳуқуқи ва имкониятларини берадиган меҳнаткашлар тоифаларини белгилаб бериши мумкин.

Бир корхонанинг ўзида ҳам касаба уюшмалари вакиллари, ҳам сайланган вакиллар мавжуд бўлган ҳолларда, зарурат туғилганда, сайланган вакилларнинг мавжудлиги тегишли касаба уюшмалари ёки улар вакилларининг мавқеига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш ҳамда сайланган вакиллар билан тегишли касаба уюшмалари ва улар вакиллари ўртасида барча муҳим масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида керакли чоралар қабул қилинади.

Ушбу Конвенцияни амалга ошириш миллий қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари орқали ёки миллий амалиётга мос келувчи бошқа ҳар қандай йўл билан таъминланиши мумкин.

Дарҳақиқат, ушбу Конвенция талаблари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида: «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлайдиган вакиллар амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳволини монеликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади», деб кўрсатилган. Бу ҳақда «Ishonch» газетасининг шу йил 17 январдаги 8-сонида «Шўртангаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Акбар Маматқуловнинг «Қадр» сарлавҳали мақоласи берилган бўлиб, унда, жумладан, шундай дейилади: «Корхонамизда меҳнат муҳофазаси бўйича 283 нафар жамоатчи вакил сайланган бўлиб, уларга ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соатдан вақт ажратиб берилган. Энг фаол жамоатчи вакиллар Низомга асосан ҳар чорак якунида рағбатлантирилиб борилади».

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Юксак салоҳият намунаси

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу ўринда қайд этиш жоиз, талабаларда иқтисодий фанлар билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган ҳамда мустақил таълим олиши учун зарур услубий манбалар яратилди. Натижада, иқтисодиёт таълими йўналишидаги 20 та фан бўйича дарс сифатини ошириш, талабалар томонидан материални қабул қилиш ва ўзлаштириш даражасини кўтаришга имкон берувчи замонавий ўқув-ёрдамчи материаллар ҳар бир мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб тайёрланди. Шунингдек, 20 та фан бўйича 10 та таркибий қисмдан иборат ўқув-услубий мажмуа босма ва электрон вариантларда республика олий ўқув юртларига тақдим этилди. 20 та фан бўйича 20 та таркибий қисмдан иборат динамик электрон ўқув-услубий мажмуа тайёрланди ва республика таълим муассасаларида татбиқ этилмоқда. Лойиҳа доирасида 13 та ўқув қўлланма, 4 та илмий мақола, 16 та тезис нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Шунга кўра, ўтган йилнинг 1 январидан республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида олий таълимдан кейинги таълимнинг янги тизими, яъни аспирантура ўрнига — таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, докторантура ўрнига — таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий қилинди. Қарорга мувофиқ университетда олимлар ва илмий даражаларга даъвогар ёш тадқиқотчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Ҳозирда 8 нафар катта илмий ходим-изланувчи ва 69 нафар стажёр-тадқиқотчи-изланувчи илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келишмоқда. Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ва уларга тўғри илмий йўл-йўриқлар кўрсатиш мақсадида университет илмий жамоаси томонидан кўплаб ижобий ишлар амалга оширилаётир. Илмий-амалий анжуманларни ўтказиш, турли илмий-тадқиқот ишлари бўйича грант лойиҳаларида иштирок этиш ва чет эл университетларида малака ошириб келиш шулар жумласидан. Бу эса ёш олимларнинг кўплаб ютуқларни қўлга киритишига асос бўлмоқда.

Замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, университетда илмий тадқиқот билан шуғулланаётган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида «Ёш иқтисодчи олимлар» (www.TDIU.stajer.uz) ахборот портали ишга туширилди. Порталда илмий ишни тайёрлаш учун зарур барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган ва улар доимий янгиланиб борилмоқда. Бундан ташқари, университетимиз ректори, профессор Н.Х.Жумаев ташаббуси билан ёш олимларнинг олиб бораётган илмий тадқиқотлари натижаларини нашр қилишга кўмак бериш ва уларни оммага етказиш мақсадида республикамизда илк бор Халқаро Интернет тармоғига жойлаштирилган «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» (www.iqtisodiyot.uz) номли илмий электрон журнал таъсис этилди. Ушбу илмий электрон журналнинг 2 та сони эълон қилинди.

Ўтган йили университет «Ахборот технологиялари ва статистика» факултетининг 4-босқич талабаси Жаҳонгир Шукуров «Техника ва информатика» номинацияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти бўлди. Шунингдек, «Иқтисодиёт» факултетининг 3-босқич талабаси Ф.Анорқулов ва «Халқаро туризм» факултетининг 3-босқич талабаси К.Хурсандов Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндорлари бўлишди. Иқтидорли талабаларимиз И.Ўрмонов, Ж.Шукуров ва К.Пўлатова эса «Меҳр нури» фонди стипендиясини қўлга киритишди.

Шу ўринда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Иқтидорли ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги илмий тадқиқотлари» мавзусидаги университет талабаларининг республика илмий-амалий анжумани катта воқеа бўлди. Анжуманда қатнашган 750 дан ортиқ талабадан 300 дан ортиғининг маърузалари тезис сифатида чоп этилди.

Ўтган йили университетимиз магистр ва талабалари ўртасида «Энг яхши илмий ғоя» мавзуида танлов ўтказилди. Унда 107 нафар магистрант ва талабалар ўз лойиҳа ва ғоялари билан қатнашишди.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Энг яхши инновацион бизнес ғоя» танлови ўтказилди. Шунингдек, ОАТБ «Алоқабанк» томонидан ўтказилган «Энг яхши инновацион талаба лойиҳаси» танловида иқтидорли талабаларимиздан Ж.Шукуров ва А.Неъматов ғолиб топилиб, 10 млн. сўмлик грант соҳиби бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 декабрдаги «Олий таълим муассасаларида «Олий таълим муассасаси, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш» бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги Ҳайъат қарори асосида университет интеграцион инновацион маркази масъуллигида барча мутахассислик кафедраларида инновацион гуруҳлар тузилган. Ушбу гуруҳлар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузишган. Бу борада, айниқса, «Банк иши» кафедрасидаги инновацион гуруҳ фаол иш олиб бормоқда. Ушбу гуруҳ «Ўзметкомбинат» ОАЖ билан 20 млн. сўмлик шартнома имзолади. Ҳозирги кунда комбинатнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги тадқиқ этилмоқда.

2011 йил 2 апрел куни «Туризм» кафедраси «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда ярмарка ташкил этди. Ўтган йилги «Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар» республика ярмаркасида ҳам университет профессор-ўқитувчилари фаол қатнашди. Унда 27 та корхона ва ташкилотлар билан 78,8 млн. сўмлик ҳамкорлик шартномалари тузилди. Ҳозирда ушбу шартномаларни бажариш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил 3 июн куни Буюк Британиянинг БАТ университети билан ўзаро ҳамкорликда «Бизнес учун ғоялар» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил қилинди. Ушбу университет олимлари олийгоҳимизга ташриф буюриб, маърузалари билан иштирок этишди. «Ахборот технологиялари ва статистика» факултети жамоаси томонидан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар ҳар йили ташкил қилиб келинаётган «BEST SOFT UZBEKISTAN» ва АКТ Миллий Саммитида тақдим қилинди.

Шунингдек, ўтган йили университетимиз Буюк Британиянинг БАТ, Кореянинг Кюнгхи, ХХРнинг Синзян аграр, Грециянинг Солоники ва Германиянинг Дрезден университетлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумларга имзо чекди.

Юртимизда таълимни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ютуқларга эришилмоқда. «Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция халқаро ҳамжамиятни яқиндан таништиришга катта ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз. Юртимиздаги салоҳиятли олий ўқув юртлари қатори университетимиз профессор-ўқитувчилари ҳам ушбу халқаро конференцияда фаол иштирок этиши ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёш авлодни тарбиялаш бўйича муваффақиятли натижаларни намоён қилиши шубҳасиз.



Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Янги Себзор маҳалласида фаолият юритаётган «Қайс гилам тўқиш» корхонасида буюртмачиларга сифатли ва бежирим совғабоп тўшамалар, гиламлар етказиб берилаётир. Тайёрланаётган маҳсулот тури йигирмадан ошади.

**Суратда: корхона тўқувчилари иш пайтида.**

**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат**

**Бизга жавоб берадилар**

# «Дамас»лар тўқнашганди

***Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар прокуратураси таҳририятнинг 2012 йил 18 январдаги хатига жавобан шуни маълум қиладики, Деҳқонобод тумани Бешкўтон қишлоғида яшовчи фуқаро С.Ражабов бошқарувида бўлган «Дамас» русумли автомашинаси билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этилишига сабабчи бўлган Қарши шаҳар ИИБ ходимларига нисбатан чора кўрилмаётганлиги ҳақида «Ishonch» газетасига ёзган аризаси ўрганилди.***

Аниқланишича, 2011 йилнинг 5 декабр куни соат 15:30 да Қарши шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли 3-сонли милиция таянч пунктининг рўпарасида фуқаро С.Ш.Ражабов ўзининг бошқарувида бўлган «Дамас» русумли давлат рақами 70 E 145 DA бўлган автомашинасини бошқариб келаётганда Қарши шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори А.Умаров бошқарувида бўлган «Дамас» русумли 70 L 547 CA давлат рақамли автомашинаси билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. Натижада, «Дамас» русумли 70 E 145 DA давлат рақамли автомашина салонида бўлган йўловчи Ч.Чориева енгил тан жароҳати олиб Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлимида даволанган.

Ушбу ҳолат юзасидан Қарши шаҳар прокуратураси томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилган. Суд автотехника экспертизаси хулосасига кўра, ушбу йўл транспорт ҳодисасида ҳайдовчи Л.Умаров томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг 10.3 банди бузилган. «Дамас» русумли 70 E 145 DA давлат рақамли автомашинага етказилган моддий зарар 2.741.580 сўм, «Дамас» русумли 70 L 547 CA давлат рақамли автомашинага эса 1.289.630 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Текшириш натижаларига кўра, А.Умаровнинг ҳаракатларида Ўз.Р. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 133-моддасида кўрсатилган «енгил тан жароҳати олинишига сабаб бўлган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш» маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари кўрингани сабабли, А.Умаровга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилиб, тўпланган ҳужжатлар ЎзР МЖтКнинг 133-моддаси билан А.Умаровга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўриш учун жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судига юборилган. Бу ҳақда ариза муаллифига маълум қилинган.

**Ф.ОМОНОВ,**
**Қарши шаҳар прокурори адлия маслаҳатчиси**

***Булунғур туман ҳокимлиги шуни маълум қиладики, Булунғур шаҳри Гулистон кўчасида яшовчи Ғ.Абдувоҳидов ва бошқалар томонидан газ таъминоти муаммолари тўғрисида таҳририятга ёзган аризаси атрофлича ўрганилди.***

# Масъул ходим бириктирилди

Туманда аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, газ сўрувчи мосламалардан фойдаланишга йўл қўймаслик мақсадида «Булунғуртумангаз» филиали масъул ходимлари, туман ИИБ ЁХҲБ ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида гуруҳлар тузилиб, жойларда фаолият олиб боришди.

Булунғур шаҳри Гулистон кўчасида яшовчи хонадонларнинг барчаси кўздан кечирилганда 3 нафар фуқарода газ сўрувчи мослама борлиги аниқланди ва белгиланган тартибда далолатномалар тузилиб расмийлаштирилди.

Булунғур шаҳри Гулистон кўчасида яшовчи аҳолини табиий газ билан таъминлаш учун ҳозирги кунда «Булунғуртумангаз» филиалидан масъул ходим бириктирилди ва табиий газ билан таъминланмоқда.

Аризада кўрсатилган салбий ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар белгилаб олиниб, ижроси туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинганлигини маълум қиламан.

**Ф.ГАДАЕВ,**
**туман ҳокими вазифасини вақтинчалик бажарувчи**

# Ижтимоий шериклик

қа вакиллик органлари); 3.Ҳудудий (минтақавий) келишувлар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тегишли касаба уюшмалари (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчи бирлашмалари; 4. Жамоат шартномаси — ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари ва иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллари орқали амалга оширилади.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида янги техника ва технологияни жорий этиш, касодга учраган корхоналарда ишсиз қолган ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Касаба уюшмалари тугатилаётган корхона ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарзларнинг ундирилишини қатъий назоратга олган.

Барча ҳудудий келишувларга меҳнат бозоридаги жараёнларни самарали тартибга солиб туриш, ҳудудий «Бандлик» дастурларини шакллантиришда касаба уюшмалари таклифларидан келиб чиққан ҳолда корхоналар банкротлиги ва тугатилишининг олдини олиш масалалари киритилмоқда. Касаба уюшмаларининг касаначиликни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бораётган ишлари натижасида 2006-2011 йилларда 200 000 га яқин касаначига жамоа шартномалари татбиқ этилди. Ушбу соҳадаги муаммолардан бири, бу унинг иқтисодиётда банд аҳолининг учдан бир қисми меҳнат қилаётган норасмий бандлик сектори билан боғлиқлигидир. Булар вақтинчалик, бир марталик, мавсумий ишларни бажараётган, меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзолари ёки бошқалар, бозорларда ишлаётган, бозордан ташқари савдо қилаётган, хусусий ташувчилик, ҳунармандчилик ва ҳоказолар билан шуғулланаётган фуқаролардир. Касаба уюшмалари Федерацияси ушбу тоифага мансуб кишиларнинг ижтимоий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ўз сафларига олишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш устида жадал иш олиб бормоқда.

Кейинги йилларда касаба уюшма етакчиларининг бошланғич ташкилотлар билан бевосита мулоқотлари ортиб боряпти. Бу эса, аъзоларнинг ижтимоий фаоллиги ошгани билан изоҳланади. Касаба уюшма ходимлари корхоналардаги вазият билан яқиндан танишиб, назорат ишларини кучайтиришаяпти. Кейинги икки йилда деярли барча вилоятларда касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят кенгашлари раислари, шунингдек, Марказий кенгаш раисларининг корхона, ташкилот ва муассасаларга қилган ташрифлари сони 2 баробар кўпайган.

Ижтимоий шерикликнинг амалдаги яна бир ифодасини корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган жамоа шартномалари бажарилишига бағишланган муҳокамаларда ҳам кўриш мумкин. Бундай муҳокамалар жараёнида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари каби йўналишлар бўйича имтиёз ва қулайликларнинг амалдаги ижроси тўғрисида ҳисоботлар тингланади. Иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмиталари фаолияти очиқ-ошкора таҳлил қилинади.

Мамлакатимизда аёллар, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа фуқаролар учун қатор имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган бўлиб, касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мазкур йўналишда бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик қилади. Касаба уюшмалари Хотин-қизлар қўмиталари билан ижтимоий шериклик асосида жамоада ишловчи аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча мажбуриятлар кўзда тутилиши, чоралар кўрилиши, унинг ҳуқуқий механизми яратилиши тарафдори бўлиб чиқмоқда. Аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг чекланиши, яъни уларни ишга қабул қилиш ва мансаб лавозимларига кўтариш вақтида камситилишига йўл қўймаслик масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Анъанага кўра, касаба уюшма ташкилотлари корхоналар ходимлари, уларнинг фарзандлари учун ёзги дам олиш ва соғломлаштириш, маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, байрам тантаналари, концертлар, илмий-маърифий мавзуларга бағишланган суҳбатлар, олимлар, ёзувчилар, санъат намоёндалари билан ижодий учрашувлар каби тадбирлар ўтказишда маданият ва спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, баъзи корхона ва ташкилотларда мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Касаба уюшмалари бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва фуқароларнинг бошқа меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, хусусан, мулкчиликнинг жамоавий шакли қандай бўлишидан қатъи назар корхоналарда ва нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иш ҳафтаси давомийлиги 40 соатгача бўлиши тарафдори бўлиб чиқмоқда. Шу билан бирга, барча корхона ва ташкилотларда иш ҳақини ўз вақтида, кечиктирилмасдан мунтазам тўланиши масаласи касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат жамоалари билан имзолаган шартномаларида ижтимоий шерикликнинг амалий ифодаси бўлиб қолмоқда.

Бу Ўзбекистон касаба уюшмалари жамиятда ижтимоий шерикликни таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун зарур ҳуқуқий асослар ва ташкилий салоҳият ҳамда малакали кадрлар ва моддий ресурсларга эга эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

